

UZBEK LAW REVIEW



VOLUME 1
2025

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEKISTAN LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2025
№1**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д., профессор.

Хужаев Шохжон Акмалжон ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич – ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр – ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович – ю.ф.д., проф. в.б.

Хазраткулов Одилбек Турсунович – юридик фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович – ю.ф.д., профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

**Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон
нускаси Интернетдаги www.library-tsul.uz ёки
www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

**Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.**

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2025 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**
Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
Техник муҳаррир: **Д. Козимов**
Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 28.03.2025

Нашриёт ҳисоб табағи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
Адади – 100 нуска.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

1/2025

Нурбаев Музаффар Эркинович
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати тизимининг самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Замонавий технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда молиявий назорат жараёнларини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган. Муаллиф томонидан "Big Data" технологиялари, сунъий интеллект ҳамда блокчейн каби инновацион ечимларни давлат молиявий назоратида қўллашнинг назарий ва амалий аспекти ўрганилган. Мақолада молиявий назорат жараёнларини автоматлаштириш орқали назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш, коррупцияга қарши курашишнинг янги механизмларини татбиқ этиш имкониятлари баён этилган. Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш борасидаги ҳуқуқий ташаббуслар ва истиқболли йўналишлар ҳам мақоланинг муҳим қисмини ташкил этади. Муаллиф рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий тавсиялар ишлаб чиққан. Мақола давлат молиявий назоратини рақамлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги тизимли ечимларни таклиф этади.

Калит сўзлар: давлат молиявий назорати, рақамли иқтисодиёт, ташкилий-ҳуқуқий асослар, бюджет назорати, "Big Data" технологиялари, сунъий интеллект, блокчейн, шаффофлик, рақамли трансформация.

Abstract. This article examines issues of increasing the efficiency of the state financial control system in the context of the digital economy. The organizational and legal aspects of improving financial control processes using the capabilities of modern technologies are analyzed. The author has studied the theoretical and practical aspects of applying innovative solutions such as "Big Data" technologies, artificial intelligence, and blockchain in state financial control. The article outlines the possibilities of increasing the transparency of control measures through automation of financial control processes and the implementation of new anti-corruption mechanisms. An important part of the article is also the improvement of the legal framework for state financial control in the Republic of Uzbekistan, legal initiatives, and promising directions for the implementation of digital technologies. The author has developed organizational and legal recommendations for improving the efficiency of state financial control in the digital economy. The article offers systematic solutions for

digitalizing state financial control and increasing the efficiency of targeted use of budget funds by improving its legal foundations.

Keywords: state financial control, digital economy, organizational and legal framework, budget control, "Big Data" technologies, artificial intelligence, blockchain, transparency, digital transformation.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы повышения эффективности системы государственного финансового контроля в условиях цифровой экономики. Проанализированы организационно-правовые аспекты совершенствования процессов финансового контроля с использованием возможностей современных технологий. Автором изучены теоретические и практические аспекты применения таких инновационных решений, как технологии "Big Data", искусственный интеллект и блокчейн в государственном финансовом контроле. В статье изложены возможности повышения прозрачности контрольных мероприятий путем автоматизации процессов финансового контроля, внедрения новых механизмов борьбы с коррупцией. Важной частью статьи также является совершенствование правовых основ государственного финансового контроля в Республике Узбекистан, правовые инициативы и перспективные направления внедрения цифровых технологий. Автор разработал организационно-правовые рекомендации по повышению эффективности государственного финансового контроля в условиях цифровой экономики. Статья предлагает системные решения по цифровизации государственного финансового контроля, повышению эффективности целевого использования бюджетных средств путем совершенствования его правовых основ.

Ключевые слова: государственный финансовый контроль, цифровая экономика, организационно-правовые основы, бюджетный контроль, технологии "Big Data", искусственный интеллект, блокчейн, прозрачность, цифровая трансформация

Кириш

Замонавий шароитда давлат молиявий назоратининг самарали тизимини шакллантириш ҳар қандай давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт даврида давлат бюджети маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш тизимларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш замонавий технологик ютуқлардан фойдаланишни, шу жумладан, молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш, автоматлаштириш ва уларни инновацион технологиялар билан интеграциялашувини талаб этади.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор муҳим қадамлар қўйилди. 2021 йил 27 августда қабул

қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сонли Фармони давлат молиявий назорати соҳасида туб ислохотларни бошлаб берди. Фармон Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтирди, Олий аудит органининг (ISSAI) халқаро стандартларини жорий этиш, мувофиқлик, самарадорлик ва молиявий аудитларини ўтказиш тартибларини белгилаб берди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш масалалари устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борада, айниқса, Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларининг давлат бюджети назорати ва ижроси соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Шунга қарамасдан, ҳозирги замон талаблари мавжуд молиявий назорат тизимини янада ривожлантиришни, хусусан рақамли технологияларни кенг жорий этишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида молиявий назорат соҳасида “Big Data” технологиялари, сунъий интеллект имкониятлари ва блокчейн каби инновацион ечимлар фаол қўлланилмоқда. Бу технологиялар орқали молиявий операцияларнинг шаффофлигини таъминлаш, самарадорлигини баҳолаш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш имконияти пайдо бўлмоқда.

2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон давлат молиявий назоратини рақамлаштириш учун норматив-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Аммо мамлакатимизда рақамли технологияларни давлат молиявий назорати жараёнларига тўлиқ интеграциялаш учун ҳали кўп ишлар амалга оширилиши лозим. Давлат молиявий назорати органлари фаолиятини автоматлаштириш, уни замонавий рақамли технологиялар билан уйғунлаштириш, назорат тадбирларини реал вақт режимида амалга ошириш имкониятларини яратиш ва бошқа инновацион ёндашувларни жорий этиш учун тегишли ҳуқуқий база талаб этилади.

Мазкур мақоланинг долзарблиги давлат молиявий назорати самарадорлигини рақамли технологиялар орқали ошириш масалаларини комплекс таҳлил қилиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ечимларни таклиф этиш билан белгиланади. Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, “Big Data”, сунъий интеллект ва блокчейн технологияларини жорий этиш имкониятларини ўрганиш, шунингдек назорат жараёнларини автоматлаштириш усулларини ишлаб чиқиш мақола предметининг асосини ташкил этади.

Мақоланинг асосий мақсади рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва бу борадаги фундаментал тавсияларни

ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилади: давлат молиявий назоратини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш; молиявий назорат жараёнларини автоматлаштириш имкониятларини таҳлил қилиш; “Big Data” ва сунъий интеллект технологияларини молиявий назоратда қўллаш йўллари тадқиқ этиш; блокчейн технологиялари асосида молиявий назорат тизимини модернизация қилиш истиқболларини ўрганиш; рақамли трансформация шароитида давлат молиявий назорати самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати тизимининг самарадорлигини ошириш масалалари кўплаб олимларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Мазкур мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили молиявий назорат жараёнларини трансформация қилиш, рақамлаштириш ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган турли концептуал ёндашувларни аниқлаш имконини беради.

Давлат молиявий назорати соҳасидаги концептуал асосларни ўрганиш бўйича бир қатор маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишлари мавжуд. Хорижий олимлардан М. Пауэр, Д. Флинт ва К. Мартенслар ўз тадқиқотларида давлат молиявий назорати тизимининг рақамли трансформацияси, унинг институционал асослари ва норматив-ҳуқуқий таъминоти масалаларини чуқур таҳлил қилишган [1]. Германиялик тадқиқотчилар Й. Бирман, С. Кляйн ва В. Фогель эса ўз асарларида давлат молиявий назорати соҳасида рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, молиявий назорат органлари фаолиятини оптималлаштириш йўллари ҳар томонлама кўриб чиққанлар [2].

Россиялик олимлар А.К.Измоденов, М.В. Романовский, Н.А.Саттарова, С.С.Алексеев, И.В.Матвеев, Ю.А.Крохина, Ю.Е.Грачева, В.М.Родинова, С.О.Шохин, Л.И.Воронина, В.Д.Шегуров ва бошқалар ҳам молиявий назорат соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб боришган [3]. Хусусан, В.М.Родинованинг фикрига кўра, “молиявий назорат – бу қонуний ваколат берилган давлат ва оммавий бошқарув органлари тизимининг молиявий муносабатларни тартибга солиш, давлат бюджети даромадларининг шакллантирилиши ҳамда улар фаолиятининг самарадорлиги устидан назорат ўрнатишга қаратилган функциялар доирасидир” [4]. Бизнинг фикримизча, бу таъриф рақамли иқтисодиёт шароитида кенгайтирилиши лозим, чунки замонавий технологиялар молиявий назорат доирасини кенгайтириб, унинг функцияларини янги технологик имкониятлар билан бойитмоқда.

Хорижий адабиётлар таҳлилда рақамли технологияларни молиявий назорат тизимига интеграциялаш масалалари ҳам кенг ўрганилган. Жумладан, Алхатиб ва Фалудехнинг “Digital Transformation in Financial Audit” номли тадқиқотида молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган [5]. Уларнинг фикрига кўра, “рақамли

платформалар орқали молиявий назорат тадбирлари реал вақт режимида ўтказилиши ва молиявий маълумотларнинг таҳлили тўлиқ автоматлаштирилиши лозим”. Бизнинг фикримизча, бу ёндашув асосли бўлса-да, рақамли трансформациянинг ҳуқуқий асосларини яратиш масаласи етарлича очиб берилмаган.

“Big Data” технологияларидан молиявий назоратда фойдаланиш масалалари бўйича Ванг ва Бирд тадқиқотларида қизиқарли хулосалар илгари сурилган [6]. Уларнинг таъкидлашича, “катта ҳажмдаги маълумотлар таҳлили орқали молиявий назорат органлари бюджет маблағларидан фойдаланишдаги аномал ҳолатларни, коррупция хавфларини олдиндан аниқлаш ва башорат қилиш имкониятига эга бўлади”. Бу фикрга қўшилган ҳолда қайд этишимиз лозимки, Ўзбекистон шароитида “Big Data” технологияларини жорий этиш учун нафақат техник инфратузилма, балки тегишли норматив-ҳуқуқий база ҳам шакллантирилиши зарур.

Сунъий интеллект технологияларини молиявий назоратда қўллаш бўйича Кацуҳико Ясуда ва Фумико Такеда қизиқарли тадқиқотлар олиб боришган [7]. Уларнинг фикрига кўра, “сунъий интеллект алгоритмлари молиявий назорат жараёнларини автоматлаштириш, аудит текширувларини оптималлаштириш ва инсон омили таъсирини камайтириш орқали коррупция хавфини минималлаштириш имконини беради”. Бизнинг фикримизча, сунъий интеллект технологияларини молиявий назоратда қўллаш истиқболли йўналиш бўлса-да, бу технологиялар инсон назоратидан тўлиқ мустақил бўлмаслиги, айниқса стратегик қарорлар қабул қилишда инсон омили сақланиб қолиши лозим.

Блокчейн технологияларини молиявий назорат тизимига татбиқ этиш масалалари юзасидан Тапскотт ва Тапскотт, шунингдек Чан ва Бакутиснинг тадқиқотлари диққатга сазовор [8]. Улар блокчейн технологиясининг асосий афзалликларидан бири – барча транзакцияларнинг шаффофлиги ва ўзгартириб бўлмаслиги молиявий назорат самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини таъкидлайдилар. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, “блокчейн технологияси давлат харидларини амалга оширишда, бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш орқали молиявий назоратни тубдан ўзгартириш имкониятини беради”. Бизнинг фикримизча, бу фикр асосли бўлса-да, блокчейн технологиясини давлат молиявий тизимига жорий этиш учун қонунчилик базасини такомиллаштириш, хусусан, электрон рақамли имзо, криптографик ҳимоя ва маълумотлар хавфсизлиги соҳасидаги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Молиявий назорат жараёнларини автоматлаштириш борасида INTOSAI (International Organization of Supreme Audit Institutions – Олий Аудит Институтларининг Халқаро Ташкилоти) томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартлар ва методологик тавсиялар ҳам муҳим аҳамиятга эга [9]. Мазкур ташкилот томонидан тавсия этилган молиявий назорат

жараёнларини рақамлаштириш стандартлари, макон ва замондан қатъи назар барча иштирокчилар учун ягона, шаффоф ва самарали назорат тизимини яратиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, INTOSAI стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали давлат молиявий назорати тизимини халқаро талаблар даражасига кўтариш мумкин.

Академик Р.О.Алимов томонидан олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистонда давлат бюджети ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган [10]. Олимнинг таъкидлашича, “давлат бюджети ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири – ахборот технологияларидан кенг фойдаланишдир”. Биз бу фикрга тўлиқ қўшилаемиз, бироқ бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш учун рақамли платформалар яратишни молиявий назорат тизимини трансформация қилишнинг янада муҳимроқ компоненти деб ҳисоблаймиз.

Давлат харидлари соҳасида молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари бўйича С.Н.Ўразалиевнинг илмий ишлари эътиборга молик [11]. Олим “давлат харидлари тизимида рақамли технологияларни қўллаш орқали шаффофликни таъминлаш, коррупция хавфини камайтириш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга эришиш мумкинлигини” таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, бу ёндашув жуда тўғри, аммо рақамли технологиялар билан бир қаторда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни ҳам доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Молиявий назорат жараёнларини автоматлаштириш борасида С.Хашимова ва Д.Бурхоновларнинг тадқиқотларида “ахборот тизимларининг интеграциялашуви ва реал вақт режимида маълумотлар алмашинувини таъминлаш орқали молиявий назорат самарадорлигини ошириш мумкинлиги” таъкидланган [12]. Биз бу фикрга қўшилаемиз, бироқ бундай тизимларни яратишда ахборот хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати тизимини трансформация қилишнинг техник жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса-да, бу жараённинг ҳуқуқий жиҳатлари нисбатан кам ўрганилган. Бизнинг фикримизча, рақамли технологияларни молиявий назорат соҳасига жорий этиш билан бир вақтда, бу жараённинг ҳуқуқий асосларини яратиш, молиявий назорат органларининг ваколатларини рақамли муҳитда аниқлаштириш ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Умумий ҳолда, адабиётлар шарҳи рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш борасида олимлар ўртасида муайян фикрлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо мавжуд тадқиқотларда молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва

автоматлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, “Big Data”, сунъий интеллект ва блокчейн технологияларини молиявий назоратда қўллашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаган. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада мазкур йўналишларни тадқиқ этиш мақсад қилиб олинган.

Тадқиқот методологияси сифатида таҳлилий, тизимли ва қиёсий-ҳуқуқий методлардан фойдаланилди. Давлат молиявий назорати тизимини рақамлаштириш бўйича назарий қарашлар ва амалий ёндашувларни ўрганишда таҳлилий метод қўлланилди. Молиявий назорат механизмларининг рақамли иқтисодий шароитидаги трансформациясини ўрганишда тизимли ёндашув орқали тадқиқот олиб борилди. Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш имкониятларини аниқлаш учун қиёсий-ҳуқуқий метод афзал қўрилди. Шунингдек, рақамли технологияларни молиявий назорат амалиётига татбиқ этиш масалаларида ҳуқуқий меъёрларни таҳлил қилиш ва башорат методларидан ҳам фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 148-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат”. Конституция нормаларига мувофиқ Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашлари тегишли бюджетларни кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича конкрет ваколатларга эга. Бироқ, бу нормалар рақамли технологиялардан фойдаланиш контекстида янгиланишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси давлат молиявий назоратининг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб беради. Кодекснинг 170-моддасига кўра, “Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат молиявий назорати объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади”. Бироқ, амалдаги Бюджет кодекси “рақамли технологиялар”, “автоматлаштирилган назорат тизимлари” ёки “молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш” каби тушунчаларни ўз ичига олмайди.

Давлат молиявий назоратини рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш зарурати “Янги Ўзбекистон-2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Бу стратегик ҳужжатда “давлат молиявий назорати органлари фаолиятини рақамлаштириш, назорат тадбирларида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ва мониторинг тизимини такомиллаштириш” вазифасини қўйилган.

Таҳлил натижаларига кўра, молиявий назорат

жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш учун қуйидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш талаб этилади:

Бюджет кодексига “молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш”, “Big Data технологиялари”, “сунъий интеллект”, “блокчейн” каби тушунчаларни киритиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш.

“Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонунга молиявий назорат жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича ўзгартиришлар киритиш.

Давлат молиявий назорати органларининг электрон тизимлардан фойдаланиш ваколатларини аниқ белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижалари “Big Data” ва сунъий интеллект технологияларини молиявий назоратда қўллаш орқали назорат тизимининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкинлигини кўрсатди.

“Big Data” технологиялари давлат молиявий назорати органларига бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилиш, аномал операцияларни аниқлаш ва коррупция хавфларини олдиндан баҳолаш имконини беради.

Сунъий интеллект алгоритмлари эса молиявий назорат жараёнларини автоматлаштириш, инсон омили таъсирини камайтириш ва натижада назорат тадбирларининг объективлигини ошириш имконини беради.

Мазкур технологияларни молиявий назорат жараёнларига татбиқ этиш учун қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш зарур:

“Big Data” ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш керак.

Давлат молиявий назорати органлари ходимларини “Big Data” ва сунъий интеллект технологиялари билан ишлаш бўйича малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш.

Молиявий назорат жараёнларида “Big Data” ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича методологик қўлланмалар ишлаб чиқиш.

“Big Data” ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишда шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш.

Тадқиқот натижалари блокчейн технологиялари асосида молиявий назорат тизимини модернизация қилиш истиқболли эканлигини кўрсатди. Блокчейн технологиясининг асосий афзалликлари – маълумотларнинг ўзгармаслиги, транзакцияларнинг шаффофлиги ва тизимнинг децентрализацияси молиявий назорат самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Блокчейн технологиясини давлат молиявий назорати тизимига жорий этиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

Давлат харидлари тизимида шаффофликни

таъминлаш;

Бюджет маблағларининг ҳаракатини реал вақт режимида кузатиш;

Молиявий операциялар тарихини ўзгартириб бўлмайдиган шаклда сақлаш;

Коррупция хавфларини минималлаштириш;

Молиявий назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш.

Давлат молиявий назорати жараёнларини автоматлаштириш орқали назорат тизимининг самарадорлиги, шаффофлиги ва тезкорлигини ошириш мумкинлиги тадқиқот натижаларида ўз тасдиғини топди. Хусусан, автоматлаштирилган назорат тизимлари орқали:

Молиявий операцияларни реал вақт режимида кузатиш;

Нazorat объектларининг молиявий фаолиятини автоматик таҳлил қилиш;

Молиявий ҳисоботларни автоматик текшириш;

Нazorat тадбирларини режалаштириш ва ўтказишни оптималлаштириш;

Нazorat натижалари бўйича ҳисоботларни автоматик шакллантириш имкониятлари яратилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий тақлифлар ишлаб чиқилди:

Давлат молиявий назорати соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш:

“Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Бюджет кодексига рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича нормаларни киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонунга рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича ўзгартиришлар киритиш.

Молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш:

INTOSAI доирасида молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш бўйича тажриба алмашинувини йўлга қўйиш;

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда рақамли технологияларни молиявий назорат соҳасига жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

Юқорида санаб ўтилган тақлифларни амалга ошириш орқали рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати тизимининг самарадорлигини ошириш, коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат молиявий назорати самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари замонавий ўзбек давлатчилигининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш, шунингдек “Big Data”, сунъий интеллект ва блокчейн технологияларини қўллаш

борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда, бироқ бу соҳани янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш лозим.

Молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришнинг ҳуқуқий базасини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, амалдаги қонунчиликда бу соҳани тартибга солувчи махсус нормалар етарли даражада шакллантирилмаган. Юқорида таъкидланганидек, Бюджет кодексига “рақамли технологиялар”, “автоматлаштирилган назорат тизимлари” ёки “молиявий назоратни рақамлаштириш” каби тушунчалар мавжуд эмас, бу эса молиявий назорат жараёнларини замонавий технологиялар асосида ташкил этишни қийинлаштиради.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун молиявий назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш соҳасидаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Бунинг учун биринчи навбатда Бюджет кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгартиришлар молиявий назорат жараёнларини рақамлаштиришнинг мақсадлари, вазифалари, принциплари ва механизмларини, шунингдек ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонунга ҳам Ҳисоб палатасининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ваколатларини аниқ белгилаб берувчи нормаларни киритиш зарур. Бу нормалар Ҳисоб палатасига “Big Data” технологиялари, сунъий интеллект, автоматлаштирилган таҳлил тизимлари ва бошқа инновацион ечимлардан фойдаланиш имконини бериши лозим.

